

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил январь ойининг йигирманчи куни Қўшқўпир тумани, Гулзор маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очик сайёр суд мажлисида, раислик этувчи жиноят ишлари бўйича Қўшқўпир туман суднинг раиси А.Аминов, судья ёрдамчиси И.Қурбонбоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қўшқўпир туман прокурорининг ёрдамчиси М.Болтоев, судланувчи Қ.Отаниёзов ва унинг ҳимоячиси адвокат Н.Отажонов иштирокида, Отаниёзов Қадам Пўлатовичга нисбатан 1-2207-2101/101-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Отаниёзов Қадам Пўлатович (Отаниёзов Қадам), 1973 йил 9 июль куни Қўшқўпир туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, судланмаган, ишсиз, Қўшқўпир тумани, Оқдарбанд қишлоғи, Иттифоқ маҳалласи, Нурзамон кўчаси, 13-уйда яшайди, 2021 йил 9 декабрь кунидан “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 18 декабрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Қ.Отаниёзов, 2021 йил 24 ноябрь куни соат 23ларда ўзи яшаётган уйида Ф.Матякубова ва Т.Қабулбоевни жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб бериш эвазига Т.Қабулбоевдан 110.000 сўм пул олиб, Қўшқўпир тумани, Оқдарбанд қишлоғи, Иттифоқ маҳалласи, Нурзамон кўчаси, 13-уйида фоҳишахона ташкил қилган.

Судланувчи Қ.Отаниёзов суд муҳокамасида айбига иқrorлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2021 йил 23 ноябрь куни таниши Ф.Матякубова кўнғироқ қилиб, уйида таниши билан бирга жинсий алоқада бўлмоқчи эканини сўраганлигини, рози бўлганини, 2021 йил 24 ноябрь куни соат 22-30ларда Ф.Матякубова Т.Қабулбоев билан бирга уйига келганини, уларга уйида жинсий алоқада бўлишлари учун шароит яратиб бериши эвазига 100.000 сўм сўраганини, бироқ Т.Қабулбоевдан 110.000 сўм пул олганини, сўнг Ф.Матякубова ва Т.Қабулбоевлар уйининг ётоқхонасига кириб кетганларини, бироздан кейин уйига ИИБ ходимлари келиб, уйида ким борлигини сўраганларини, уларга уйида ҳеч ким йўқлигини айтганини, шунда улар уйини кўздан кечириб, ётоқхонада Ф.Матякубова ва



Т.Қабулбоевларни ётганларини аниқлаганларини, шунда ИИБ ходимлари улардан нима қилаётганлари ҳақида сўраганида, Ф.Матякубова таниши Т.Қабулбоев билан жинсий алоқа қилиш учун келганларини, уни уйда шароит яратиб берганини ва эвазига 110.000 сўм пул олганини айтганини, шундан сўнг ИИБ ходимларига Т.Қабулбоевдан олган 110.000 сўм пулни тақдим қилганини, кейин улар билан Ўртаёп қишлоғидаги 1-сон ИИБга борганларини, у ерда бўлиб ўтган ҳолат юзасидан тушунтириш хати ёзиб берганини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини инобатга олиб, кечиришни ва енгиллик қилишни сўраб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Ф.Матякубова суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам Қ.Отаниёзов моддий манфаат топиш мақсадида яшаш уйда ўзга шахсларга жинсий алоқада бўлишлари учун шароит яратиш билан шуғулланиб келаётганини эшитганини, уни фаолиятига чек қўйиш мақсадида 2021 йил 24 ноябрь куни 1-сон ИИБга ариза ёзганини, ушбу аризасига асосан ИИБ ходимлари тезкор тадбир ташкиллаштирганларини, сўнг Қ.Отаниёзовга кўнғироқ қилиб, унга таниши билан уйда дам олмоқчи эканини айтганини, шунда у рози бўлганини, шу куни соат 21ларда тадбирга Т.Қабулбоев жалб қилинганни, ИИБ ходимлари Қ.Отаниёзовга бериш учун бир дона 50.000 купюрадаги ва беш дона 10.000 купюрадаги жами 100.000 сўм пулларни тартиб рақамларини ёзиб берганларини, Қ.Отаниёзов билан бўлиб ўтадиган суҳбатни ёзиб олиш учун диктафон мосламаси ҳам берганларини, кейин Т.Қабулбоев билан Оқдарбанд қишлоғида яшовчи Қ.Отаниёзовнинг яшаш уйига борганларини, йўлда ИИБ ходимлари берган 100.000 сўм пулларни ва диктафон мосламасини Т.Қабулбоевга берганини, Қ.Отаниёзовнинг яшаш уйига кирганларини ва Т.Қабулбоев унга жинсий алоқада бўлиш учун келганларини айтганини, шунда Қ.Отаниёзов 100.000 сўм бўлишини айтганини, Т.Қабулбоев эвазига Қ.Отаниёзовга 100.000 сўм пул берганини, у яна 10.000 сўм пул сўраганини, Т.Қабулбоев ёнидан яна 10.000 сўм пул берганини, сўнг уйнинг ётоқхонасига кирганларини, ИИБ ходимларига келишилган ишорани берганларини, кейин ИИБ ходимлари холислар билан ётоқхонага кирганларини, Қ.Отаниёзов ИИБ ходимларига бўлиб ўтган ҳолат ҳақида айтиб берганини, кейин 1-сон ИИБ биносига кетганларини, ИИБ ходимлари диктафондаги аудиоёзувни компьютер ёрдамида дисска кўчирганларини баён қилиб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Э.Давлетов суд муҳокамасида, ҳақиқатдан ҳам 2021 йил 24 ноябрь куни соат 21ларда ИИБ ходимларининг таклифига кўра, битта ишда Ф.Бобожонова билан биргаликда холис бўлиб қатнашганини, сўнг ИИБ биносида Ф.Матякубованинг аризаси юзасидан тезкор тадбир ўтказилиши ҳақида айтилганини, аризада Қўшкўпир тумани, Оқдарбанд қишлоғи, Иттифоқ маҳалласида яшовчи Қ.Отаниёзов яшаш уйда фоҳишахона ташкил қилиб, жинсий алоқада бўлишлари учун шароит яратиб бериб келаётганлиги кўрсатилганини, ИИБ ходимлари томонидан ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўқиб таништирилганини, шундан сўнг ИИБ ходимлари Ф.Матякубовага



Қ.Отаниёзовга бериш учун бир дона 50.000 купюрадаги ва беш дона 10.000 купюрадаги жами 100.000 сўм пулларни тартиб рақамларини ёзиб олиб берганларини, бу ҳақда баённома расмийлаштирилганини, Ф.Матякубовага Қ.Отаниёзов билан бўлиб ўтадиган суҳбатни ёзиб олиш учун диктафон мосламаси тақдим қилинганини, кейин Ф.Матякубова ва Т.Қабулбоевлар Қ.Отаниёзовнинг яшаш уйига кетганларини, улар ушбу уйга кириб, соат 23ларда тегишли ишорани берганларини, шундан сўнг ИИБ ходимлари билан ушбу уйга кирганларини, у ерда Қ.Отаниёзов ўзини таништирганини, ИИБ ходимлари уйни кўздан кечирганларида, ётоқхонада тезкор тадбирга жалб қилинган Ф.Матякубова ва Т.Қабулбоевлар ёлонғоч ҳолатда ётганлиги аниқланганини, шунда улар жинсий алоқада бўлиш учун келганини, бунинг эвазига Қ.Отаниёзовга 110.000 сўм пул берганларини айтганини, кейин Қ.Отаниёзов Т.Қабулбоевдан 110.000 сўм пул олганини айтиб, кўрпача тагида қўйган 110.000 сўм пулни ИИБ ходимларига тақдим қилганини, ИИБ ходимлари ушбу пулларни Ф.Матякубовага берилган пулларнинг тартиб рақами билан солиштириб кўрганида, ушбу олинган пуллар билан бир хилда эканлиги, фақатгина бир дона 10.000 сўмлик купюрадаги пул тақдим қилинган баённомада мавжуд эмаслиги аниқланганини, сўнг 1-сон ИИБ биносига борганларини, у ерда Ф.Матякубовадан диктафон мосламасини қайтариб олганларини, диктафон мосламаси ичидаги бир дона аудио файлни компьютер орқали дискка кўчирганларини ва аудио файл эшитилганини, ушбу ҳолат юзасидан баённома расмийлаштирилганини баён қилиб, кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўралган Ф.Бобожонова дастлабки терговдаги кўрсатувини тасдиқлаб, гувоҳ Э.Давлетовнинг юқоридаги кўрсатуви билан бир хил мазмунда кўрсатув берди.

Суд, судланувчи Қ.Отаниёзовнинг айби, ўзининг айбига иқроп бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, билдирги, фуқаро Ф.Матякубованинг аризаси, пулларни кўздан кечириш ва тақдим қилиш баённомаси, диктафонни тақдим этиш ва қайтариб олиш баённомалари, кўздан кечириш ва ашёвий далилларни олиш баённомаси, тезкор тадбир жараёнлари акс этган видео тасвир ва аудио ёзувларни дискка кўчириш баённомаси, фуқаро Ф.Матякубовадан ҳужжатлаштириб олинган “DVD+R” дискини кўздан кечириш ва эшитиб кўриш баённомаси ҳамда иш материалларида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Қ.Отаниёзовнинг жинойий ҳаракатини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг фоҳишахона ташкил қилганликда ифодаланган ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Қ.Отаниёзовга нисбатан жазо тайинлашда, амалдаги қонун талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан берилган тушунтиришларга қатъий амал қилишни лозим топди.



Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасига кўра, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Шу Кодекснинг 8-моддасига биноан, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 28-бандида, судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида;

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши ҳақида; 3-бандида, жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Қ.Отаниёзовга ушбу Пленум Қарорининг 5-бандидаги судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги ҳақидаги талабга амал қилиб, жазо тайинлашни лозим топади.

Суд, судланувчи Қ.Отаниёзовга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-56-моддалари талабларига риоя қилиб, Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги ва “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорларидаги раҳбарий тушунтиришлардан келиб чиқиб, унинг ғаразли ва бошқача паст ниятларда жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаш



билан бирга, унинг айбига иқдорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, оилали бўлиб, тўрт нафар фарзанди борлигини, шундан бир нафари вояга етмаганлигини, моддий аҳволи ва имкониятини, ишсизлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблашни, шунингдек, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг хусусияти, судланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, унга айбли деб топилажак моддалар санкциясида назарда тутилган мажбурий жамоат ишлари жазосини ўташига монелик қиладиган ҳолатлар аниқланмаганлиги сабабли ушбу жазони тайинлашни, тайинланган жазони ўташи мумкин бўлган жойлар ва мажбурий жамоат ишларининг турлари Қўшқўпир туман ички ишлар органлари Пробация гуруҳи томонидан белгиланишини, жазо ижросини таъминлашни яшаш жойидаги ички ишлар органлари Пробация гуруҳи зиммасига юклатишни белгилашни;

- судланувчи Қ.Отаниёзов ўз зиммасига олган мажбуриятларини бузмаганлиги сабабли унинг “гаров” эҳтиёт чораси учун қўйилган пул маблағини гаровга кўювчига қайтаришни;

- келгусида судланувчи томонидан жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этилишини олдини олиш мақсадида унга ЖКнинг 45<sup>1</sup>-моддаси 5-қисми талабларини тушунтиришни;

- жиноят иши бўйича олинган ашёвий далилларнинг кейинги тақдирини муҳокама қилиб, Олий суд Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги “Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг 9-банди тушунтиришларига асосан жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, тезкор тадбир давомида фойдаланилган 100.000 сўм пулни эгаси Ф.Матяқубовага ҳамда 10.000 сўм пулни эгаси Т.Қабулбоевга тилхат орқали қайтарилганлигини инобатга олишни белгилашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471 ва 473-моддаларига амал қилиб, суд

### **Ҳ У К М   Қ И Л А Д И:**

Судланувчи Отаниёзов Қадам Пўлатович (Otaniyozov Kadam) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Отаниёзов Қадам Пўлатовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан 400 соат мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган мажбурий жамоат ишлари жазосини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг турлари Қўшқўпир туман ички ишлар органлари Пробация гуруҳи томонидан белгилансин.



Тайинланган мажбурий жамоат ишлари жазосининг ижросини таъминлаш Қўшқўпир туман ички ишлар органлари Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, Отаниёзов Қадам Пўлатовичга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва унинг гаров эҳтиёт чораси учун 2021 йил 9 декабрь куни Хоразм вилоят ИИБнинг “Ипотека банк” АТИБ Хоразм вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига топширилган 5.555.000 сўм пул гаровга қўювчи судланувчи Отаниёзов Қадам Пўлатовичга қайтарилсин.

Отаниёзов Қадам Пўлатовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45<sup>1</sup>-моддаси 5-қисми талаблари тушунтирилсин.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, тезкор тадбир давомида фойдаланилган 100.000 сўм пул эгаси Матякубова Физза Расул кизига ҳамда 10.000 сўм пул эгаси Қабулбоев Темурбек Қабулбой ўғлига тилхат орқали қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида Хоразм вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида шикоят бериши ёки протест билдиришлари мумкин.

**Раислик қилувчи судья**

**(имзо)**

**А.Аминов**

Аслига тўғри:

